

748 44 45 3AK

**Кадастр паспорти хужжатларини тайёрлаш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат  
рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш ишларини бажариш учун  
199-сонли**

**ХИЗМАТ КўРСАТИШ ШАРТНОМАСИ**

19 январ 2022 йил

Навоий ш.

“Навоийуран” давлат корхонаси бундан буён “**Буюртмачи**” деб юритилувчи ва унинг номидан корхона бош директорининг биринчи ўринбосари бош муҳандиси В.Ф.Назаров томонидан ва Навоий вилояти давлат кадастрлар палатасининг Навоий шаҳар филиали бошлиғи бундан кейин “**Бажарувчи**” деб юритилувчи номидан раҳбар Х.Бабажанов кўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

**1. Шартноманинг асослари, баҳоси ва тўлов шартлари.**

1.1. Шартнома “**Буюртмачи**”нинг топшириғига биноан “**Бажарувчи**” томонидан кўйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: “Навоийуран” давлат корхонасига қарашли уран ишлаб чиқариш заводининг бино ва иншоотларини кадастр паспортини тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини бажариш.

Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати: 15 525 000,0 (Ўн беш миллион беш юз йигирма беш минг) сўм 00 тийин. Навоий вилояти Навоий шаҳар, “Навоийуран” давлат корхонаси уран ишлаб чиқариш заводи Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 майдаги 306-сонли қарорига асосан кадастр хужжатларини расмийлаштириш тартиби бўйича хизматлар нархларига қўшимча қиймат солиғи ҳисобланмаган ҳолда белгиланган.

1.2. Шартнома умумий сўммасининг 30 (ўттиз)% фоизи 4 657 500 (тўрт миллион олти юз эллик етти минг беш юз) сўм 00 тийин шартнома тузилгандан сўнг 10 иш кунда тўлаб берилади. Қолган 70 (етмиш)% фоиз шартноманинг 3.3 бандига мувофиқ ишни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилингандан кундан кейин 15 (ўн беш) иш кунда тўлов амалга оширилади.

1.3. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.4. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иктисодий ва бошқа талаблар мазкур шартнома билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати эса календар режа билан аниқланади, улар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**2. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

2.1. “**Бажарувчи**”нинг мажбуриятлари:

Буюртмани амалдаги норматив-услугий хужжатларга мувофиқ календар иш режасига асосан назарда тутилган ҳажмда сифатли қилиб бажаради.

Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни “**Буюртмачи**”га топширади.

2.2. “**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари:

“**Бажарувчи**”га техник топширик беради ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишади.

Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг қийматини бажарувчига тўлайди.

**3. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиблари.**

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари бажарилган ишлар далолатномасига асосан қабул қилиб олинади.

3.3. “**Бажарувчи**” ишни тамомлагандан сўнг “**Буюртмачи**”га бажарилган иш топшириш-қабул қилиш далолатномасини кадастр хужжатлари мажмуи билан биргаликда тақдим қилади.

3.4. “**Буюртмачи**” ушбу далолатномани 3.3-бандиди кўрсатилган ҳисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади ва “**Бажарувчи**”га имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қилмаслик сабабини асословчи ёзма изоҳни юборади.

3.5. "Буюртмачи" ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча ишлар ва уларнинг бажариш муддатларини кўрсатиб икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бири-бирини 5(беш) кунлик муддат ичида хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 19 кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда бажарилган қисм учун "Буюртмачи" томонидан "Бажарувчи"га ҳақ тўланади.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. Мазкур шартноманинг шартлари 1998йил 29 август санасида қабул қилинган 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаро Кодекси асосида амалга оширилади ва белиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 1.3-бандидаги аванс тўлови кечикиб ўтказилганда, ишни тугаллаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда "Бажарувчи" камчиликларни ўз ҳисобидан 15 кун муддатда бартараф этишга мажбур.

4.4. Ушбу шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув йули билан, унинг имкони бўлмаганда Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади. Судгача низоларни талабнома бериш орқали кўриш иккала тараф учун мажбурийдир.

#### 5. Форс-Мажор ва жавобгарликдан озод этиш.

5.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолларда(ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган(етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартларни бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

#### 6. Коррупцияга қарши шартлар.

6.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг манфаатдор шахслар, директорлар, мансабдор шахслар, ходимлар ёки бошқа вакиллар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар пул тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, ҳеч қандай пул маблағлари ёки кадриятларни тўлашни кўмаклашмайдилар ва ёки рухсат бермайдилар, ҳар қандай шахсга ҳар қандай ноқонуний афзалликлар ёки бошқа ноқонуний мақсадларни қўлга киритиш учун уларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига таъсир қилиш учун бевосита ёки билвосита кўмаклашмайдилар. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг манфаатдор шахслар, директорлар, мансабдор шахслар, ходимлар ёки бошқа вакиллар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар Шартнома мақсадлари учун амал қиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ, масалан, пора бериш/олиш, тижорат пора бериш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузадиган ҳаракатларни бажармайдилар.

6.2. Агар Томон Шартноманинг ушбу бўлимнинг ҳар қандай қоидалари бузилганлиги ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини, бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Бу тасдиқ ёзма хабар берилган кундан бошлаб 14 календар куни ичида юборилиши керак.

6.3. Агар Томонлардан бири ушбу бўлимда тақиқланган ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятларини бузса ва ёки бошқа Томон бузилиш Шартномада ўрсатилган муддатда содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақидаги тасдиқни олмаган бўлса, бошқа Томон битимни бекор қилиш тўғрисида ёзма хабар юбориш орқали Шартномани бир томонлама тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шартномани ушбу бўлими қоидаларига мувофиқ ташаббуси билан шартномани бекор қилинган томон бундай бекор қилиш натижасида юзага келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

## 7. Қўшимча шартлар.

7.1. “Бажарувчи” бажариладиган ишларни қиймати ошиши мумкинлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни ўз вақтида хабардор қилишга ва “Буюртмачи”нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Агар “Буюртмачи” Бажарувчи” тақдим этган нархда ишни давом эттиришни мақсадга мувофиқ эмас деб топса, у ҳолда у “Бажарувчи”нинг кўрган зарарини тўлайди.

7.2. Шартнома шартларига тарафларнинг розилиги билан келишув битими орқали қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкин.

7.3. Бир тараф ўз мажбуриятларини иккинчи тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас. “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан олдиндан келишган ҳолда ишни бажариш учун ўзи танлаган шахсни жалб этиш ҳуқуқига эга.

7.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сонли қарорининг Кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг 6-бандига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси филиаллари (кейинги ўринларда---ДК филиаллари) кадастр йиғма жилдини шаллантириб, унинг натижаси бўйича кадастр паспортини тақдим этадилар.

Давлат сири билан боғлиқ бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича кадастр паспортини тайёрлаш учун тўғридан-тўғри ДК филиалларига мурожаат қилинади.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ

### «БАЖАРУВЧИ»

Навоий вилояти Давлат кадастрлар  
палатасининг Навоий шаҳар  
филиали  
Манзил: Навоий ш. А.Темур кўчаси 4- уй  
Х/р: 20210000504397507001  
Банк номи: Асака банк Навоий филиали  
МФО:00206  
СТИР: 205567923  
ОКЭД:71120

  
Х.Бабажанов  
«    »    2022й

Бош маркшейдер

Прогнозлаштириш ва иктисодий

таҳлил бўлими бошлиғи


Бухгалтерия

Комплаенс хизмати бошлиғи

Юридик бўлим бошлиғи

### «БУЮРТМАЧИ»

“Навоийуран” Давлат Қорхонаси  
Манзил: Навоий ш. Инспекторлар кўчаси  
7-уй.  
х/р: 20210000900305623001  
Банк: Миллий банк Навоий филиали  
МФО:00196  
ИНН: 201204514  
ОКЭД:07210

  
В.Ф. Назаров  
«    »    2022й


Ф.Н. Нуриддинов

Н.М. Эргашева

Ф.И.Базаров

М.М. Санакулов

А.И. Мустафоев

  
Г.С. АДИЛЗОВА

2022 йил 19 январдаги 199-сонли шартнома бўйича

Календарь режаси

Т/р	Ишларнинг (босқичларнинг) Номи	Ишларнинг бажариш муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи; сўм	
		бошлани ши	якунлан иши	жами	шу жумладан жорий йилда ёки чоракларда
1	“Навоийуран” ДК уран ишлаб чиқариш заводи кадастр йиғма жилдини тайёрлаш	2022 йил 19 январ	2022 йил 19 феврал	15 525 000	15 525 000

Бажарувчи:



Х. Бабажанов

Буюртмачи:



В.Ф.Назаров

*Handwritten signature*